



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI BOYSUN TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Boysun t., Hayot Abadiy ko'chasi 1-uy. 190400, tel.: (+99876) 33-5-20-64, boysun_t@exat.uz, http://baysun.uz

2021-yil “ 01 ” fevral

Q-97-son

Boysun t.

Бойсун туман ҳокимлиги маданият бўлимига тумандаги “Маданият ва истироҳат боғи” ҳудудида 2400 кв.м ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сонли фармонининг 11-бандининг ижросини таъминлаш, вилоят ҳокимлигининг 2020 йил 17 майдаги 1712/01-25-сонли ҳамда туман маданият бўлимининг 2021 йил 26 январдаги 01-8/14-сонли хатларини ўрганиб чиқиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-,25-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сонли фармонининг 11-бандининг ижросини таъминлаш, вилоят ҳокимлигининг 2020 йил 17 майдаги 1712/01-25-сонли ҳамда туман маданият бўлимининг 2021 йил 26 январдаги 01-8/14-сонли хатлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Туман ҳокимлиги маданият бўлимига тумандаги “Маъданият ва истироҳат боғи” ҳудудидан кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари) томонидан томоша тадбирлари ўтказиш учун 2400 кв.м ер майдони ажратилсин.

3. Туман маданият бўлими (Х.Бозоров)га:

- кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари) томонидан ўтказиладиган томоша тадбирларига оммавий тадбир ўтказиш учун рухсатнома ва рухсат бериш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш талаб этилмаслиги, уни ўтказиш жойи ва вақти тўғрисида ички ишлар органларини камида 10 кун олдин ёзма равишда хабардор қилиш;

- ички ишлар органлари, Миллий гвардия ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги органлари кўчма цирклар (шапито, дорбозлар гуруҳлари)

томонидан ўтказиладиган томоша тадбирларида жамоат тартиби ва ёнги хавфсизлигини таъминлаш юзасидан огохлантиришлар бериш вазифалари юклатилсин.

- давлат органлари ва ташкилотлари тизимидаги маданият ва истироҳат боғлари, спорт иншоотлари, сайилгоҳлар ва бошқа очик худудларда кўчма цирklar (шапито, дорбозлар гуруҳлари) томонидан томоша тадбирлари ўтказиш учун ижара ва бошқа турдаги тўловлар ундирилмаслиги тушунтириб ўтилсин.

4. “Бойсун” газетаси бош муҳаррири (Х.Қараев) кўчма цирklar (шапито, дорбозлар гуруҳлари) томонидан ўтказиладиган томоша тадбирларини газета саҳифаларида кенг ёритиб бериш тавсия этилсин.

5. Бойсун туман Кадастр агентлиги бўлимига туман ер ҳисоботида тегишли ўзгартиришларни киритиш, ажратилган ер участкасини жойида ердан фойдаланувчига аниқлаб ва ажратиб бериш вазифалари топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Д.Хафизов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **В.В.Б**

Ф.Нормаматов

